

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАНИЯЗОВА НАРГИЗА ПОЛАТОВНА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
В1 ДАРАЖАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ ФЕЪЛ
ЛЕКСИКАСИНИ МОДУЛЬ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎҚИТИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Бабаниязова Наргиза Полатовна

Қорақалпоғистон Республикаси В1 даражали ўқувчиларни инглиз
тилининг феъл лексикасини модуль технологияси асосида ўқитиш 3

Бабаниязова Наргиза Полатовна

Модульная технология обучения глагольной лексике английского
языка учащихся уровня В1 Республики Каракалпакстан 23

Babaniyazova Nargiza Polatovna

Modular technology on teaching verbal lexics of the English language to
students of B1 level in the Republic of Karakalpakstan 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАНИЯЗОВА НАРГИЗА ПОЛАТОВНА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
В1 ДАРАЖАЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНГЛИЗ ТИЛИНИНГ ФЕЪЛ
ЛЕКСИКАСИНИ МОДУЛЬ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎҚИТИШ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(инглиз тили)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018 йил

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped201 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uswlu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ахмедова Лайло Толибжоновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Палуанова Халифа Дарибаевна**
филология фанлари доктори
Ирмухамедова Гулчехра Насыровна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Низоми номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х.Бакиева
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Н.Ж.Исакулова
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, пед.ф.д., доцент

Д.Р.Джуманова
Фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.б., филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда хорижий тилларни ўрганиш турли соҳа мутахассисларининг хорижлик ҳамкасблари билан фикр алмашувлари, халқаро анжуманлар ва хорижий манбалардан ўз соҳаларига доир ахборот олиш каби жараёнларда В1 даражали ўқувчиларнинг инглиз тили феълларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Тольяття университетиди, Москва давлат университетиди, Англиянинг Оксфорд, Канаданинг Торонта, Англиянинг Норвич ва Кубанинг Гаван университетларида инглиз тилидаги коммуникатив компетенциясини шакллантиришни эътиборга олган ҳолда соҳавий терминология, лексика, креатив фикрлашни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Тувин давлат университетиди инглиз тилининг феъл лексикаси АКТ ёрдамида ўқитиш, дифференциал ёндашув асосида В1 даражасидаги феъл лексикаси ва лингводидактик омилларини ҳамда Мелеузе шахридаги Москва давлат бошқарув ва технология университети филиали, Красноярск давлат университети ва Томск политехника университетларида модул технология ва унинг таркибий қисмларини ўрганиш алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан компетенциявий ёндашув асосида модул технологияси асосида В1 даражали ўқувчиларнинг феъл лексикасини ўқитиш ҳамда тилларнинг қиёсий таҳлилида феъл лексикасини ўрганиш заруриятини изоҳлайди.

Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда модул технологиясини ўқитиш муаммолари, қорақалпоқ ва инглиз тиллари лексикасининг қиёсий таҳлили, модул технология асосида феъл лексикасини ўқитиш, В1 даражали ўқувчиларнинг феъл лексикасини ўқитишнинг методик ва лингвистик муаммоларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 май «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори³, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори//www.lex.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 май «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124- сонли қарори//www.lex.uz

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1875– сон қарорлари⁴ ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг: «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилларни ўқитиш методикаси билан Е.Д.Поливанов, В.И.Андрянова, М.Х.Тохтаҳаджаева, Ж.Ж.Жалолов, Т.К.Сатторов, У.К.Юсупов, М.Джусупов, Г.Х.Боқиева, Л.Т.Ахмедова, У.Х.Хошимов, Д.У.Хошимова, Г.Т.Махкамова, А.Тажиева, Г.Собировалар шуғулланишган⁵.

Лексикани ўқитиш, лексик минимумни танлаш тамойиллари, лексик материалнинг методик типологияси ва у билан ишлаш босқичларини. В.А.Бухбиндер, С.В.Калинина, Г.В.Рогова, Ф.М.Рабинович, Н.И.Гез, М.В.Ляховицкий, С.В.Шатилов, Б.В.Беляев, В.Аллен, Дж.Шривенер, М.Левис, М.Маккарти, Дж.Морган, Р.Картер, П.Нейшн, Дж.Ричардс, Р.Филлипсон, П.Лайтвоун, Н.Спада, М.Ринволуери, У.Х.Хошимов, Н.М.Курманбаевалар томонидан ўрганиб чиқилган⁶.

Феълли лексемаларнинг предметлар ва уларнинг белгилари ва муносабатларини тавсифловчи алоҳида сўзлар синфи сифатидаги структуравий, функционал ва семантик хусусиятларини Л.Г.Бабенко, Н.Н.Болдирев, А.В.Бондарко, Е.Я.Гордон, Т.А.Князева, И.Н.Мешчанинов, А.Панасенко, А.И.Рейдель, А.Г.Сильницкий, D.Bolinger, В.Comrie, A.Wierzbicka каби олимлар тадқиқ этишган ва тавсифлаб беришган⁷.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1875– сон қарори// www.lex.uz

⁵ Сатторов Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дис. докт. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 32 с. Jalolov J.J., Makhlamova G.T., Sh.S.Ashurov. English Language Teaching methodology. – Tashkent: Fan va texnologiya, 2015. – 336 p.; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2013. – 200 с. Тажиева А.У. Методика обучения согласованию времен студентов каракалпакской аудитории. Автореф.канд.дисс. Т.2012.;

⁶ Бухбиндер В.А. Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе. Под редакцией Климитенко, Миролобова. М.: Педагогика 1981г. 332 -334с. Калинина С.В. Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе. М.: Педагогика 1981г. 341с.; Allen V.F. (1983). Techniques in teaching vocabulary. Oxford: Oxford University Press; Nation P. and Newton J. (1997). Teaching vocabulary. In Second language vocabulary acquisition, ed. J.Coady and T.Huckin, 238-254 p. Cambridge: Cambridge University Press; Phillipson R.Linguistic Imperialism.-Oxford: Oxford University Press,1992.-365 p.; Курманбаева Н.М. Методика обучения английскому языку в казахской аудитории. Алма Ата «Мектеп» 1988г. 73-75с.

⁷ Бабенко Л.Г. Денотативное пространство русского глагола: аспекты и перспективы изучения// Денотативное пространство русского глагола: Мат-лы IX Кузнецов, чтений, 5-7 февр. 1998 г. Тез. докл. Екатеринбург: Изд-во Ур. ун-та, 1998. С.3-11; Болдырев Н.Н. Категориальное значение глагола. Системный и функциональный аспекты. СПб.; Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 1994. – 171с.; Бондарко А.В. Функционально-семантическое поле // Языкознание. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева. М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. С. 566-567.; Панасенко Л.А. О функциональной поликатегоризации английского глагола// Связи языковых единиц в системе и

Инглиз тилининг феълли лексикасини ўқитиш масаласи бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, бироқ инглиз тилининг феълли лексикасини В1 даражали ўқувчиларга модулли технологиялар асосида ўқитиш методикаси билан боғлиқ илмий тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси В1 даражали ўқувчиларни инглиз тилининг феъл лексикасини модуль технологияси асосида ўқитишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чет тилларни ўқитиш бўйича лингвистик ва методик адабиётларни ўрганиш асосида қорақалпоқ аудиториясида инглиз тилининг феълларини ўқитишнинг лингвоконтрастив ва методик муаммоларини аниқлаш ва тавсифлаш;

инглиз-қорақалпоқ тилларида ҳаракат, ҳолат, туйғу, идрок, ифода, тақлид, табиий феъллари В1 даражада таснифлаш;

инглиз тили феълларининг семантик хусусиятларини қорақалпоқ тилидаги муқобиллари билан қиёслаб таҳлил этиш ва уларнинг грамматик характеристикаларини парадигматика ва синтагматика жиҳатидан ўхшаш ва фарқли хусусиятларини аниқлаштириш;

модал феъллар, феъл замонлари, фразеологик бирликлар, ёрдамчи феъллари бўйича инглиз тили феълининг қийинчиликлар типологияси тил ичи ва тиллараро интерферация бўйича ишлаб чиқиш;

қорақалпоқ ўқувчиларининг инглиз тилдаги феълларни эгаллаганлик даражасини аниқлаш ва қорақалпоқ ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқларида феълларни қўллаш малака ва кўникмаларини модулли технологияларни қўллаш орқали шакллантириш бўйича машқлар ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг В1 даражадаги ўқувчиларга инглиз тилидаги феълларни модулли технологияларни қўллаб ўқитиш бўйича илмий методик тавсиялар ва ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти Қорақалпоғистон Республикасининг В1 даражадаги ўқувчиларга инглиз тилидаги феълларни ўқитиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикаси В1 даражадаги ўқувчиларни инглиз тилининг феъл лексикасини модуль технологияси асосида ўқитиш шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларнинг ечимини топиш учун педагогик кузатув, қиёсий таҳлил,

реализации. Тамбов: Изд-во ТГУ им.Г.Державина, 1998. С.135; Bolinger D. The phrasal verb in English. — Cambridge (Mass.): Harvard University Press, 1971.187p.; Comrie B. Aspect: An introduction to the study of verbal aspect and related problems. Cambridge (Mass.): Cambridge University Press, 1976. - 276 p.

тажриба-синов, педагогик мониторинг, сўровнома, математик-статистик таҳлил қилиш ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз-қорақалпоқ тилларида ҳаракат, ҳолат, туйғу, идрок, ифода, тақлид, табиий феъллари В1 даражада таснифлаш орқали феъл лексикаси такомиллаштирилган;

инглиз ва қорақалпоқ тилларининг феъллари асосида феъл семантика, парадигматика, синтагматикаларининг оддий, ясама ва қўшма сўзлар бўйича ўхшаш ва таркиб бўйича фарқли хусусиятлари аниқлаштирилган;

олмош, модал феъллар, феъл замонлари, фразеологик бирликлар, ёрдамчи феъллари бўйича инглиз тили феълининг қийинчиликлар типологияси тил ичи ва тиллараро интерференция бўйича ишлаб чиқилган;

В1 даражадаги лисоний-ўқув топшириқлар тизими бўйича инглиз тили феълларини ўқитишнинг модуль технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

В1 даражали ўқувчиларнинг инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришга қаратилган «Writing in practice» Part 1. (for intermediate level learners) ўқув қўлланмаси яратилган ва нашр этилган;

«Қорақалпоқ ўқувчиларини инглиз тилидаги феъл лексикасини модуль технологияси асосида ўқитиш» бўйича методик тавсиялар нашр этилган;

ўқувчиларининг инглиз тилидаги феъл лексикани ўрганишга «The new English dictionary of verbs (for B1 level learners)» луғати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришнинг лингвистик, психологик ва дидактик омиллар асосида ёритилганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ аудиториясида инглиз тилининг феълларини ўқитишнинг лингвоконтрастив ва методик муаммолари, инглиз тили феълларининг семантик хусусиятларини қорақалпоқ тилидаги муқобиллари билан қиёслаб таҳлили ва уларнинг грамматик характеристикаларини парадигматика ва синтагматика жиҳатидан тавсифи, инглиз тили феълининг қийинчиликлар типологияси аниқланганлиги билан изоҳланади.

Мазкур тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган В1 даражадаги лисоний-ўқув топшириқлар тизими модулли технология асосида инглиз ва қорақалпоқ тиллар феъллари ўқитиш методикаси ҳамда тадқиқот материалларидан ўқитувчилар малакасини ошириш курсларидаги назарий ва амалий машғулотларида ва шу соҳа бўйича ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Инглиз-қорақалпоқ тилларида ҳаракат, ҳолат, туйғу, идрок, ифода, тақлид, табиий феъллари В1 даражада таснифлаш орқали такомиллаштирилган феъл лексикасидан SUZ-800-13-GR133 «Обучение английскому языку одарённым детям из малообеспеченных семей» номидаги «Access English Microscholarship Programm» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги 2018 йил 8 майдаги №89-03-1775-сон маълумотномаси). Натижада «Қорақалпоқ ўқувчиларини инглиз тилидаги феъл лексикасини модуль технологияси асосида ўқитиш» бўйича методик тавсиялар нашр этилган;

инглиз ва қорақалпоқ тилларининг феъллари асосида феъл семантика, парадигматика, синтагматикаларининг аниқлаштирилган оддий, ясама ва қўшма сўзлар бўйича ўхшаш ва таркиб бўйича фарқли хусусиятларидан Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг «Ким эпчилу ким чаққон» ва «Болалар дунёси» каби маърифий дастурларни тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2017 йил 17 ноябрдаги 14-06/483-сон маълумотномаси). Натижада таклифларнинг жорий қилиниши инглиз тили феъл лексикаси такомиллашувига хизмат қилган;

лексик, грамматик интерференция асосида лингвистик хусусиятлар бўйича аниқлаштирилган инглиз тили феълнинг қийинчиликлар типологиясидан ФА-Ф1-ГОО2 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоқ бўлимининг 2018 йил 20 февралдаги 036/1-сон маълумотномаси). Натижада В1 даражали ўқувчиларнинг инглиз тилидаги ёзма нутқ компетенциясини шакллантиришга қаратилган «Writing in practice» Part 1. (for intermediate level learners) ўқув қўлланмаси нашр этилган;

В1 даражадаги лисоний-ўқув топшириқлар тизими модулли технология асосида ишлаб чиқилган инглиз ва қорақалпоқ тиллар феъллари ўқитиш методикасидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Маданий-маърифий ва бадиий радиоэфирлар» деб номланган туркум радиоэшиттиришларнинг таҳририяти томонидан тайёрланган «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Бедорлик» радиоэфирда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йилнинг 19 февралдаги О'з/К-1-27-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларининг инглиз тилидаги феъл лексикани ўрганишга «The new English dictionary of verbs (for B1 level learners)» луғати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ишда кўриб чиқилган ҳамда 15 анжуманда, шу жумладан, 2 халқаро ва 13 республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 31 та илмий иш чоп этилди. Шулардан: 1 та методик қўлланма, 1 та луғат ва 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттесация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп

этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, асосий ҳажми 156 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Инглиз тилидаги феълларни В1 даражадаги ўқувчиларга ўқитишнинг назарий-методик шарт-шароитлари**» деб номланган биринчи бобида В1 даражали ўқувчиларни инглиз тилининг феъл лексикасини ўқитишнинг назарий муаммолари, инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги феълларнинг қиёсий таҳлили ҳамда феъл лексикани ўқитишда модулли технологиясининг роли таҳлил этилган.

Модулли технология асосида В1 даражали ўқувчиларни инглиз тилининг феълларини ўқитиш бўйича феъл лексикаси такомиллаштириш тилни ўрганиш мазкур тилдаги муайян сўзларни билиш ва нутқда улардан фойдаланишни тақозо этади. Сўз тилнинг асосий тизимли-семантик бирлиги бўлиб, объектлар, жараёнлар, уларнинг хусусиятлари ва улар ўртасидаги муносабатларни номлашга хизмат қилади. Сўз орқали одамлар ўз билим фаолиятлари натижаларини қайд этадилар, сўзсиз тушунча ва тасавурларни нафақат ифодалаш ва етказиш, балки уларнинг шакллантириш ҳам мумкин эмас.

Илмий адабиётларда каттагина ҳажмда хорижий ва маҳаллий олимларнинг сўз бирикмаларини ўқитиш муаммолари, лексик минимумни танлаш принциплари, лексик материалларнинг методологик типологияси, улар устида ишлаш босқичлари ҳақида В.А.Бухбиндер, С.В. Калинина, Г.В. Рогова, Ф.М. Рабинович, Н.И. Гез, М.В. Ляховицкий, С.В. Шатилов, Б.В. Беляев, У.Х. Хошимов, Н.М. Курманбаев, В.Аллен, Дж.Шривенер, М.Левис, М.Маккарти, Дж.Морган, Р.Картер, П.Нейшн, Дж.Ричардс, Р.Филлипсон, П.Лайтвоун, Н.Спада, М.Ринволуерилар ўрганган. Феълларнинг махсус сўзлар синфи сифатида структуравий, функционал ва семантик хусусиятларини ўрганиш, предметлар хусусиятлари ва уларнинг муносабатларини тавсифлаш Л.Г.Бабенко, Н.Н.Болдирев, А.В.Бондарко,

Е.Я.Гордон, Т.А.Князева, И.Н.Мешчанинов, А.Панасенко, А.И.Рейдель, А.Г.Сильницкий, D.Bolinger, B.Comrie⁸ тадқиқотларда ўз ифодасини топган.

Ўрганилаётган муаммо бўйича аввалги ўқув-услубий тажрибани аниқлаш, шунингдек, инглиз тилидаги лексикани ва умуман феълларни ўқитиш назарияси ва амалиётини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини аниқлаш мақсадида илмий адабиётлар таҳлил қилинди.

Лексикани ўқитишнинг лексик минимумни танлаш И.А.Грузинская, А.А.Любарская, лексикани рецептив ва продуктив ўзлаштириш П.Нейшн, М.Уэст, лексика билан ишлаш босқичлари Н.Гез, С.Калинина, И.Берман, лексик машқларни қўллаш ва биргаликда ишлатиш Э.П.Шубин, Г.В.Рогова каби таниқли мутахассисларнинг асарларида очиб берилган.

Хорижий тилларни ўқитиш методикаси бўйича илмий ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик тадқиқотчилар, тилшунослар, методистлар тилни, жумладан, лексикани ҳам грамматика нуқтаи назардан ўрганишган. Сўзлар грамматик қурилмаларда бўш жойларни тўлдирадиган алоҳида бирликлар сифатида тақдим этилган ва лексик билимлар, малака ва кўникмалар эса декларатив билимлар жумласига киритилган. Бегона тилнинг лексикасини эгаллаш мазкур тилнинг барча сатҳларини эгаллаш учун асос сифатида тан олинади. Бу мақсадда кенгроқ ёндашув зарур ва ўрганиш марказида сўз ва умуман олганда тилни эгалланганликнинг асосий кўрсаткичи сифатида лексика туриши лозим. Зеро, энг аввало, айнан сўзни талаффуз қила олиш ва маъносини билиб олгандан кейингина, индивид тинглаш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш каби барча нутқий фаолият турларини амалга ошира олади. Қорақалпоқ ўқувчилари томонидан инглиз тилидаги феълларни ўрганиш нафақат ўрганувчилар, балки ўргатувчилар учун ҳам каттагина лингвоконтрастик ва методик қийинчиликларни юзага келтиради.

Инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги феълларнинг ва интерференция ҳодисасининг ўрганилаётган муаммо нуқтаи назаридан қиёсий таҳлилида инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги феъллари қиёсий таҳлил қилиш натижасида улар ўртасидаги шахс, сон, замон, майл, нисбат каби морфологик ва грамматик белгилар бўйича фарқлар, нутқий интерференцияни келтириб чиқарувчи лингводидактик ва методик қийинчиликлар аниқланди.

Қиёсий таҳлил бўйича инглиз ва қорақалпоқ тилларининг феъллари асосида семантика, парадигматика, синтагматикани аниқлаштириш қорақалпоқ ўқувчилари томонидан инглиз тилидаги феълларни ўрганишда уларнинг ясалиши усуллари қорақалпоқ тилидаги феълларнинг ясалиши билан ўхшаш ва фарқларини ўрганиш имконини беради (1-жадвалга қаранг):

⁸Бабенко Л.Г. Денотативное пространство русского глагола: аспекты и перспективы изучения// Денотативное пространство русского глагола: Мат-лы IX Кузнецов, чтений, 5-7 февр. 1998 г. Тез. докл. Екатеринбург: Изд-во Ур. ун-та, 1998. С.3-11; Болдырев Н.Н. Категориальное значение глагола. Системный и функциональный аспекты. СПб.; Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 1994. – 171с.; Бондарко А.В. Функционально-семантическое поле // Языкознание. Большой энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева. М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. С. 566-567.; Панасенко Л.А. О функциональной поликатегоризации английского глагола// Связи языковых единиц в системе и реализации. Тамбов: Изд-во ТГУ им.Г.Державина, 1998. С.135; Bolinger D. The phrasal verb in English. — Cambridge (Mass.): Harvard University Press, 1971.187p.; Comrie B. Aspect: An introduction to the study of verbal aspect and related problems. Cambridge (Mass.): Cambridge University Press, 1976. - 276 p.

Феълларнинг морфологик хусусиятлари

Инглиз тили	Қорақалпоқ тили
оддий (таркибида префикслари ҳам, суффикслари ҳам бўлмаган сўзлар) – <i>to open, to write, to read, to learn</i> ;	туб <i>бар, кел, ор</i>
ясама (таркибида суффикслари ва префикслари бўлган) – <i>to clarify, to enlarge, to redden, to organize, to demonstrate</i>	ясама (суффикслар ёрдамида, лекин префиксларсиз) <i>басла, жаңар, кушей, түне, басқар, шадлан</i>
қўшма (икки сўздан иборат) <i>to daydream, to handcuff, to blackmail, to waylay</i>	қўшма (икки сўздан иборат) <i>сәлембериў, тастыйқболды, көринкел, барыпқайтыў, айтты-қойды</i>
таркибли <i>to give up, to put down, to take off, to go away, to go on</i>	

Қорақалпоқ тилидаги сўз ясовчи қўшимчалар сони инглиз тилидан кўра кўпроқдир. Инглиз тилида эса мавжуд префиксал сўз ясах усули қорақалпоқ тилида мавжуд эмас. Инглиз тилига хос феълларни ясовчи одатдаги воситалар қуйидагилардир: 1) конверсиялаш ёки ўзак орқали ясах шаклланиши, масалан: *to water, to carpet*; 2) қорақалпоқ тилида мавжуд бўлмаган бўғиндан кейинги сўзлар ёрдамида ясама феълларнинг шаклланиши, масалан: *give up, go on, take off*.

Замонавий инглиз тилида *take notice of, put an end to, pay attention to* каби турғун ибораларни қўллаш хос, қорақалпоқ тилида бундай ҳодиса кузатилмайди. Қорақалпоқ тилида *алып бар, алып кел, айтиб жибер* икки феълдан сўз ясалганда, улар *анар, акел, айтбер* каби бир сўз кўринишига эга бўлиши мумкин. Жупт феълларни маълум бир маънода қўллаш (*сөйлей-сөйлей, бара-бара, қарай-қарай, айтты-қойды, ислади-таслады*) қорақалпоқ тилининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Инглиз тилида феълларнинг миқдорий қамрови жиҳатидан тенг бўлмаган иккита йирик синфи ажратилади: тўғри феъллар, уларнинг асосий шакллари ҳозирги замон инглиз тилидаги феълларнинг анча қисмига нисбатан қўлланувчи маълум қоидалар асосида ясалади; унчалик кўп бўлмаган феъллар гуруҳи ҳисобланмиш нотўғри феълларнинг (улар 100 дан ортиқ) асосий шакллари ҳозирги замон инглиз тилида ишламаётган меъёрлар асосида ясалади.

Қиёсланаётган тиллардаги феълларнинг категориялари кўп жиҳатдан бир-бирига мос келади. Замон, майл, нисбат, шахс ва сон категориялари ҳам инглиз, ҳам қорақалпоқ тилларига хос. Род ва вид категориялари қорақалпоқ тилида мавжуд эмас. Асосий грамматик категориялар ўзаро мос келсада, бироқ мазкур тилларнинг феъллари тизимида сезиларли фарқлар топилади (2-жадвалга қаранг):

Инглиз ва қорақалпоқ тилларида ёрдамчи феъллар

Инглиз тили	Қорақалпоқ тили
<i>to be, to do, to have, shall(should), will(would)</i> , (улар ёрдамида кўшма феъл шакллари, яъни замон ва нисбат шакллари ясалади)	<i>алыў, шыгыў, келиў, журиў. бериў, турыў, больў, баслаў, қойыў, калыў, жибериў, таслаў. көриў, караў, барыў</i> ва б.

Фарқлар инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги ўтимли феълларда ҳам кузатилади. Чунки инглиз тилида ҳаракатга ўтувчи объект (умумий келишикда) ўтимли феъллардан кейин келади, яъни ҳаракатнинг объект билан бевосита боғланиши кузатилади: *to read a book, to write a letter* ва б. Қорақалпоқ тилида, аксинча, аввал объект тушум келишигида келади, кейин эса феъл: *китаптыоқыў, хаты жазыў, жумыстан келиў* ва б. (3-жадвалга қаранг):

Қорақалпоқ тилдаги шахс-сон кўшимчалари

Қорақалпоқ тилида ҳар бир шахс учун муайян аффикслар мавжуд		
1-шахс – сўзловчи	2-шахс – тингловчи	3-шахс – ҳар қандай шахс, сўзловчи ва тингловчидан ташқари
(-ман, -мен, -мыз, -миз)	(-саң, -сең, -сыз, -сиз)	(-ды, -ди).
1- ва 2-шахслар, асосан, кишиларни ифодалайдилар (<i>Мен, Сен, Бизлер, Сизлер</i>)		3-шахс ҳам одамлар, ҳам предметларни ифодалайди (<i>Ол, Олар</i>); масалан: <i>He/she/it works.</i> - Ол ислейди

Аффикслар ҳам эга ва кесимни бириктиришга хизмат қилади, яъни субъектли-предикативли муносабатларни ифодалайди.

I work. – Мен ислеймен. *You work.* – Сен илейсең. *He/she/it works.* – Ол ислейди. *We work.* – Бизлер ислеймиз. *You work.* – Сизлер илейсиз. *They work.* – Олар ислейди. Инглиз тилидаги фақат айрим феъллардагина шахс ва сон шакллари сақланиб қолган. Бу *to be, to have* феъллари бўлиб, улар шахс учун алоҳида шаклларга эга (*I am, You are, He is, I have, She has*), модал феъллардан ташқари қолган феъллар эса, ҳозирги замоннинг 3 шахс шаклида *-s* кўшимчасини олади. Бошқа ҳолларда барча феъллар бир хилда қўлланади.

Инглиз ва қорақалпоқ тилларида феъллар уч хил замонда, яъни ҳозирги замон, ўтган замон ва келаси замон шаклларида мавжуд бўлади. Бирок, қиёсланаётган тиллардаги замон шакллари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмайди. Қорақалпоқ тилида замонлар тизими анчайин кенг намоён бўлган: ўтган замоннинг саккиз шакли, ҳозирги замоннинг уч шакли ва келаси замоннинг уч шакли мавжуд. Ҳар бир шакл маълум бир кўшимчалар билан ифодаланади. Инглиз тилидаги ўтган замоннинг шакли феълнинг иккинчи шакли ёки ёрдамчи феълнинг кўмагида ясалади: *to have + асосий феълнинг*

Participle II шакли. Масалан: He *came* at 8 o'clock. – Ол саат 8 де *келди*. They *had finished* all their work by that time. – Олар жумисларын сол ўақытқа шекем *пүтирген*.

Қорақалпоқ ва инглиз тилларини қиёсий ўрганиш ҳар икки тилнинг феълида морфологик ва синтактик жиҳатларида ҳам катта фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Бу фарқлар қорақалпоқ ўқувчилари инглиз тилининг феълларини ўрганишда тиллараро интерференцияни келтириб чиқаради. Уни бартараф этиш учун модулли технологияни қўллаган ҳолда махсус тил ўқитиш топшириқлари типологиясини яратишни тақозо этади.

Инглиз тилдаги феълларни ўқитишда модулли технологиянинг роли модулли технология асосида ўқитишнинг таълимий ва тарбиявий имкониятлари, модулли ўқитишнинг мақсади, модуллар турлари, уларни тузиш принциплари ва талаблари, билимларни назорат қилиш усуллари ва ҳ.к. ўрганиб чиқилган. В1 даражадаги ўқувчиларни модулли ўқитиш предмет ҳақида тўлиқроқ тасаввур ва билимларни шакллантириш имконияти билан таъминлаши билан асосланади. Мазкур билим ва тасаввурар ўқитиш жараёнида зарур бўлган пайтда ижодий тарзда ишлатса бўладиган малака ва кўникмаларга айлантирилиши мумкин. Бу инглиз тилини чет тили сифатида модулли технологиялар асосида ва бошқа лисоний иерархия аспектларида инглиз тилидаги феъллардан иборат лексикани ўрганишда амалга оширилади.

«Қорақалпоғистон Республикасининг В1 даражадаги ўқувчиларга инглиз тилидаги феълларни ўқитишнинг ҳозирги пайтдаги ҳолати» деб номланган иккинчи бобида ДТС, ўқув дастури, УМК таҳлили, В1 даражали ўқувчиларни феъл лексикасини ўқитишнинг лингвистик ва методик муаммолари ҳамда феъл лексикасини ўзлаштиришнинг В1 даражаси ўрганилган.

2013 йил учун Узлуксиз таълим тизимининг хорижий тиллар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув қўлланмалари, ўқув-услугий қўлланмалар, ўқув-услугий мажмуалар ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида инглиз тилининг феълларини билиш даражаси аниқланган, В1 даражасидаги ўқувчилар эгаллаши керак бўлган луғат минимуми дастурларда кўрсатилмаган ва муайян мавзу бўйича сўзларни ўрганишда талабалар диққат эътиборини нималарга қаратиш лозимлиги таъкидлашлари кераклиги аниқланди. Фақат дастурда тавсия этилган мавзулар бўйича муайян луғат бойлигига таяниш мумкин. Бундай ёндашув ҳар қандай чет тилида бўлгани каби инглиз тилидаги феълларни танлаб олиш имконини беради.

В1 даражадагиларнинг «English В1» дарсликларида инглиз тилининг феълларига кам эътибор қилинган ҳамда ўзлаштириш жиҳатидан қийин бўлган ва уларнинг нутқдаги ўзига хос равишда қўлланишини ўрганиш имкониятини истисно этувчи феъллар билан ишлаш учун ҳам дидактик материал етарли эмас, машқлардаги мисоллар миқдори ҳам луғатни мустаҳкамлаш учун етарли эмас, тақлиф этилаётган машқлар ва топшириқлар мустақил тарзда билимларни эгаллаш, айниқса фикрлаш ва

янги сўзларни керакли контекстда ишлатиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилмаган.

Дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув-методик мажмуа методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ, қизиқарли, бироқ уларда ўқувчиларнинг лексик жиҳатидан компетентлигини шакллантириш учун ўқув ва тил материаллари етарли даражада тақдим этилмаган ва ишлаб чиқилмаган. Мавжуд дарсликларнинг материаллари ўқувчиларнинг хилма-хил қизиқишларини тўлиқ қондирмайди ва камдан-кам ҳолларда мустақил иш учун ўқув ва лингвистик материаллар лексик, грамматик интерференция асосида лингвистик хусусиятлар бўйича инглиз тили феълнинг қийинчиликлар типологияси аниқлантиришни тақозо қилади.

Сўров натижалари, ўқув жараёнини кузатиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари билан суҳбатлашиш натижаларининг кўрсатишича, ўқитувчиларнинг аксарияти оғзаки ва ёзма нутқда ўрганилган материаллардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга етарли эътибор бермайди, улар ҳар доим ўрганилган сўз бирикмаларидан амалий фойдаланиш учун шарт-шароит яратмайди, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик учун ўқувчиларнинг мустақил иш қобилиятини ривожлантиришга қаратиларган чора-тадбирлар амалга оширилмайди.

Кўпгина ўқитувчилар янги феъллар лексикасини ўрганиш жараёнида дуч келадиган қийинчиликлар ҳақида сўз юритишади. Булар жумласига тил муҳитининг етишмаслиги, инновацион педагогик ва модулли технологиялар фойдаланган ҳолда чет тилининг феълларини самарали ўқитишнинг усуллари тўлиқ билмасликлари кабилар киради.

70 дан ортиқ ўқитувчиларнинг машғулотларида бўлиш жараёнида шу нарса аниқландики, дарсларда ўқувчиларнинг луғат бойлигини, айниқса, инглиз тилининг феъллари лексикасини, оширишга етарли даражада эътиборни қаратмайдилар. Ўқитувчилар янги сўзларнинг маъноларига эътибор қиладилар, лекин барча иштирок этилган дарсларда асосан анъанавий грамматик таржима усулидан фойдаланилганликлари кузатилди.

Сўзлар алоҳида тарзда ўрганилади, бу эса улардан нутқда фойдаланиш кўникмаларини ривожланишига ёрдам бермайди. Ўқувчилар сўзларнинг бошқа сўз туркумларидан ясалиши ҳақида тушунчага эга эмаслар. Барча биз кирган дарсларда феъл ясовчи префикслар ва суффикслар ҳақида эслатиб ҳам ўтилмаган. Феълнинг грамматик категориялари уч йил давомида кўп ҳолларда мантикий боғланишларсиз тушунтириб келинади. Ўқитувчилар бундай камчиликларни вақт етишмаслиги, ўқув дастурининг етарли даражада ҳар томонлама ишлаб чиқилмаганлиги, дарсликлардаги ўқув ва тилга оид машқларнинг яхши ўйлаб чиқилмаганлиги билан изоҳлашади.

Ўқувчиларнинг инглиз тилидаги феълларни эгаллаганлик даражасини тўлиқ аниқлаш учун сўровнома Чимбой туманининг 4-академик лицейида, Амударё туманининг 3-академик лицейида, Шуманай туманининг Товарлар ва хизматлар коллежида, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридаги Педагогика коллежида ўтказилди. Бунинг учун жами бўлиб 206 ўқувчи жалб этилди.

Сўровномада қатнашган барча ўқувчилардаги инглиз тилини билиш даражаси тахминан бир хил бўлган. Ўқувчиларнинг инглиз тилининг феълларини билиш даражасини аниқлаш учун берилган топшириқлар дастур ва ўқитиш босқичига мувофиқ бўлган. Уларнинг маънолари ва гапда қўлланишини аниқлаш мақсадида жами бўлиб 15 та топшириқ берилган. Билиш даражаси 36%ни ташкил этган. Бу қорақалпоқ ўқувчилари томонидан инглиз тилидаги феълли лексикани паст даражада билишларидан далолат беради.

Шундай қилиб, талабалар томонидан инглиз тилининг феълларини билиш даражасини ҳамда нутқий интерференция таъсири туфайли лисоний материални ўзлаштиришдаги асосий қийинчиликларни аниқлаш учун ва уни тизимлаштириш мақсадида олиб борилган *сўровнома натижалари*: а) инглиз тилининг феъллари маъноларини паст даражада билиш; б) кўпинча оғзаки ва ёзма нутқда уларни нотўғри қўллаш; в) инглиз тилидан қорақалпоқ тилига инглиз тилининг феълларини таржима қилишда кўп сонли хатоларга йўл қўйиш каби ҳолатларни намоён этди.

В1 даражадаги ўқувчилар инглиз тили феълларининг морфологик ва синтактик хусусиятларини аниқлашда қийинчиликларга дуч келдилар. Феълларни семантик дифференциациялашда хатоларга йўл қўядилар, уларнинг тузилиши ҳақида кам маълумотга эгадирлар ва ҳ.к. Буларнинг барчаси ўқувчиларнинг инглиз тилидаги оғзаки ва ёзма нутқларида феълларни қўллаш малака ва кўникмаларни шакллантириш бўйича мақсадли иш олиб бориш кераклигини яна бир тасдиқлайди.

Сўровнома сифат ва миқдорий натижалари В1 даражадаги ўқувчиларнинг ўқиш жараёнига модулли технологияни жорий этиш зарурлигидан далолат беради. Зеро у таълим жараёнини жадаллаштириш ва мазкур лисоний ўқув материални онгли равишда ўзлаштиришга ёрдам беради.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон Республикасининг В1 даражадаги ўқувчиларни инглиз тилидаги феълларни модулли технологияларни қўллаш асосида тажрибавий ўқитиш»** деб номланган учинчи бобида педагогик тажрибани ўтказиш методикаси, унинг асосий босқичлари, тажриба натижаларини таҳлили, натижаларнинг статистик қайта ишланиши ўрганиб чиқилган, модулли технологияни қўллаш орқали инглиз тилининг феълларини ўқитиш методикаси баён этилган, модуллар асосида ишлаб чиқилган машқлар тизими келтирилган, ўқитиш жараёнининг методик ташкил этиш масалалари ўрганиб чиқилган.

В1 даражадаги лисоний-ўқув топшириқлар тизими модулли технология асосида инглиз ва қорақалпоқ тиллар феъллари ўқитиш методикаси модулли технология мақсади, вазифалари, мазмуни, тамойиллари, ёндашувлар, усуллар, ўқитиш шакллари ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Таълимнинг мақсади – ўқувчиларнинг инглиз тилининг феъллари лексикасини модул технологиясидан фойдаланган ҳолда ўзлаштиришда В1 даражага эришиш, инглизча нутқда феълларни тўғри ишлатишни тақозо

этувчи коммуникатив ва грамматик компетенция (лаёқат)ларни шакллантириш кабиларни ўз ичига олади.

В1 даражасидаги ўқувчиларнинг инглиз тилидаги феълларни модулли технология асосида ўқитишнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2014 / 2015, 2015/2016, 2016/2017 ўқув йилларида Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманидаги профессионал таълим ва хизматлар коллежи, Чимбой тумани академик лицейи, Амударё туманининг 3-сонли академик лицейи ва Нукус шаҳридаги педагогика коллежида тажрибавий таълим ўтказилди. Тажрибавий таълим излаш, шакллантириш ва яқунлаш босқичларини ўз ичига олади.

1. *Таъкидловчи босқичда* (2014) мавзу бўйича илмий адабиёт ўрганилди, инглиз тилидаги феъллар лексикасини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш йўллари белгилаб олинди, академик лицейи ва касб ҳунар коллежларининг ўқитувчи ва ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказилди, инглиз тилидаги феълларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш малака ва кўникмаларининг шаклланганлик даражасини ташхислаш йўллари аниқланди.

2. *Тажрибавий ўқитиш (таълим) босқичи* (2014–2017). Таълим академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 1-, 2-, 3-босқичларда олиб борилди, ўқитиш давомида инглиз тилидаги феълларни ўқитиш бўйича таклиф этилган лисоний-ўқув топшириқлар типологияси (машқлар тизими) апробациядан ўтказилди.

3. *Тажрибанинг якуний босқичда* (2018) олинган натижалар таҳлил қилинди, хулосалар чиқарилди, ва услубий (методик) тавсиялар тузилди.

Бироқ мазкур лексик материални жорий этишда муайян кетма-кетлика амал қилинмаган. Экспериментал таълим давомида катта ҳажмдаги материални ўқувчиларнинг индивидуал ва мустақил ишлашлари ҳисобига ўзлаштиришга кўпроқ эътибор қилинди. Ҳар бир модуль 6 ўқиш элементидан ташкил топди (ЎЭ).

Ҳар бир модуль бўйича ишлар бир ойга мўлжалланган, чунки академик лицейи ва касб-ҳунар коллежларининг ишчи дастурларида феълли лексикани ўзлаштириш ўқув йили давомида режалаштирилган, бироқ бу лексик материални киритишнинг аниқ кетма-кетлиги кўрсатилмаган. Тажрибавий ўқитиш давомида ўқувчиларнинг мустақил ишлари орқали катта ҳажмдаги материалларни мустақил ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳар бир модуль 6 ўқув элементидан (ЎЭ) иборат.

ЎЭ-1да ўқувчилар таълим элементларининг вазифалари билан танишадилар, мавзуни тўлиқ ўзлаштириш мезонлари, ишнинг мақсади, синфда улар учун қандай сабоқ олишлари ва мустақил равишда нима қилишлари кераклигини аниқлаштириб оладилар.

Ушбу модульнинг мақсади ва вазифалари талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқида феъллар лексикасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш бўйича вазифалар ёрдамида мустақил ишларни бажариш учун кўникма ва қобилиятларини шакллантиришдан иборат, энг аввало оғзаки нутқни ривожлантириш ва такомиллаштириш, талабаларнинг аналитик қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг эътиборини лисоний ҳодисаларнинг

фарқланишига йўналтириш, мустақил иш учун ижобий муносабатни шакллантириш, чет тилини ўрганишга қизиқишни орттиришдан иборат.

ЎЭ-1 биринчи дарсда ўтказилади. Модул ҳамма талабаларга тарқатилди. Улар унинг мақсадлари ва вазифалари, шунингдек, инглиз тилининг феълли лексикасини эгаллаш усуллари ва материални ўзлаштириш мезонлари билан танишишади ҳамда оғзаки кириш назорати ўтказилди.

ЎЭ-2 – кириш назорати. Йўналишни назорат қилиш суҳбат давомида амалга оширилди, бу ўқитувчига модул бўйича ишлаш учун тингловчиларнинг тайёргарлик даражаси ҳақида маълумот олиш имконини берди.

Ушбу таълим элементининг мақсади ўқувчиларнинг билимларини амалда қўллаш, инглиз тилининг феъллари бўйича ахборотни умумлаштириш, унинг таклифлари ва ахборотни узатишдаги ўрни, нутқ кўникмаларини шакллантиришдир. Ўқувчилар 4 кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлинди, анкеталар тарқатилди ва муҳокама учун вақт берилди. Кейин масалалар бўйича суҳбатни 2-ЎЭ маслаҳатчи сифатида намоён бўлувчи ўқитувчи иштирокида амалга оширилди. Маълумотлар материали сифатида ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилди.

